

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

667 Вазирлар Маҳкамасининг «Гербли гувоҳномалар шакллари ва уларни берганлик учун герб йиғими миқдорини тасдиқлаш тўғрисида» 2012 йил 25 апрелдаги 119-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида

Гербли гувоҳномалар бланкаларидан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Гербли гувоҳномалар шакллари ва уларни берганлик учун герб йиғими миқдорини тасдиқлаш тўғрисида» 2012 йил 25 апрелдаги 119-сон қарорининг 4-бандидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 4-сон, 29-модда) «2013 йил 1 декабргача» сўзлари «улар тўлиқ ишлатиб бўлингунгача» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Н.Т. Йўлдошевга ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 17 декабрь,
332-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.